

ПАХТАДАН ҲОСИЛДОРЛИК ИККИ БАРОБАР ОШАДИ

Бугун вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Қўштепа туманидаги “Аслбек файз барака диёр” фермер хўжалигига Хитойдан олиб келинган пахта навининг парвариш жараёнини кўздан кечирди. Хитойлик мутахассислар, фермерлар билан мазкур навни етишириш технологияси бўйича сухбатлашди.

Маълумки, бугунги кунда қишлоқ хўжалигига тежамкор ва ҳосилдор навларни мамлакатимиз шароитига мослаш орқали ҳосилдорликни икки баробарга ошириш бўйича ишлар давом этмоқда. Жорий йилда вилоятимизда 8200 гектардан ортиқ майдонда Хитой давлатидан олиб келинган чигит экилиб, барча агротехник тадбирлар асосида парваришланмоқда. Бу навни етиширишда сув ва бошқа харажатлар кескин камаяди, муҳими даромад ошади. Ҳосил пахта машинасида териб олинади.

Мазкур фермер хўжалигига 25 гектар майдонда янги нав тажриба сифатида парваришланяпти. Асосийси, ҳар гектаридан 70 центнергача ҳосил олиш мумкин.

Вилоят ҳокими дала майдонидаги ғўзаларнинг ривожи ва амалга оширилаётган агротехник тадбирлар билан танишиб, сифатли ҳосил олиш бўйича тавсияларини берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-08-21 18:32:26